



USAID
AMERIKA XALQIDAN



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI

"TADBIRKORLIK KODEKSI – TADBIRKOR MANFAATLARI UCHUN"

2022-yil 7-sentyabr

"ENTREPRENEURSHIP CODE – FOR THE INTERESTS OF ENTREPRENEURS"

September 7, 2022

ШУ ЙИЛНИНГ 7 сентябрь кунин Адлия вазирлиги ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида "Тадбиркорлик кодекси – тадбиркор манфаатлари учун" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Инсон ва ҚОНУН

2022 йил
13 сентябрь
сешанба
№ 35
(1343)

www.hudud24.uz [t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official) fb.com/hudud24official/

"ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ – ТАДБИРКОР МАНФААТЛАРИ UCHUN"

Тадбирда Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий ва халқаро экспертлар, илмий ҳамжамият, ўрта ва йирик бизнес вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Аввало шуни эътироф қилмоқ лозим, Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга бўлган эътибор давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Буни давлат раҳбарининг "Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонқуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз" деган сўзларидан ҳам англаш мумкин.

Айниқса, ўтган 2021 йилда ва бу йил юртбошимизнинг тадбиркорлар билан бевосита мулоқоти йўлга қўйилгани тарихий воқеа бўлди, 20 август санаси "Тадбиркорлар кунин" дея эълон қилинди. "Тадбиркорлик кодексининг яратилиши ҳам ана шу зғу ташаббусларнинг ёрқин ифодасидир.

USAIDнинг техник кўмағида ишлаб чиқилган янги "Тадбиркорлик кодексини" қабул қилинганидан сўнг амалдаги 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрнини босиб, Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, кодекс тадбиркорлик фаолиятига бўлган ҳаддан зиёд давлат таъсирини ва аралашувини камайтириш, шунингдек, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларни мустаҳкамлашга қаратилган.



Алишер КАРИМОВ,

Адлия вазирининг ўринбосари:

ТАДБИРКОРЛИК ЎСИШИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАМ МАНФААТДОР

– Охириги 6–7 йилда тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкнини камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, асосийси, бизнес юритишдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Тадбиркорлик ўсишидан давлат ва жамият ҳам манфаатдор. Яъни, тадбиркор қанча ривожлansa ва фойда кўрса, мамлакатга шунча кўп инвестиция киритади ва унинг иқтисодиёти ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Ўтган бир йил давомида Президентимизнинг биргина бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган 70 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Натижада, солиқ ва маъмурий юкнинг камайтирилиши, шунингдек, қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг тақдим этилиши эъзизга тушумлари 1 миллион АҚШ доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ортиди, яна минг нафар тадбиркорлар товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион АҚШ долларгача етказди.

Бугунги кунда 6 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, 40 мингдан ортиқ техник ҳужжатларда тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган талаблар мавжуд. Ушбу талаблар ичида ўзининг аҳамиятини йўқотган, самарадорлиги мавжуд бўлмаган ва албатта тадбиркорга ортиқча харажат олиб келаётган талаблар сони жуда кўп. Мазкур талабларнинг зарурати, асослилиги ва долзарблиги қайта кўриб чиқилиб, 2025 йилга қадар уларни 30 фоизга қисқартириш юзасидан ишлар бошланди.

Янги "Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши ушбу ҳужжатларни битта манбага бирлаштиради. Бироқ, бу уларнинг тўғридан-тўғри бирлаштирилишини аниқлатмайди. Тизимлаштиришдан асосий мақсад соҳадаги энг асосий қонунларни бирлаштириш ва тадбиркорликнинг фундаментал ҳуқуқий устунларини белгилаб олиш ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, "Тадбиркорлик кодексини" лойиҳасини ишлаб чиқишга 3 йилга яқин вақт сарфланди. Бунга нафақат миллий экспертларимиз, балки халқаро экспертлар ҳам жалб қилинди. Асосийси, лойиҳа охириги 4–5 ойдан буюн жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда. Айнан тадбиркорларнинг таклифлари, уларни қийнаб келаётган тизимли муаммоларни ўрганиш учун республика даражасида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлар билан кодекс лойиҳаси муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда >

Жамоатчилик, тадбиркорлар ва соҳа экспертлари билан ўтказилган муҳокамалар натижасида 1 минг 500 га яқин таклифлар келиб тушди ҳамда лойиҳада коррупциявий омилларнинг мавжудлиги, гендер тенгликка таъсири ва бошқа масалалар бўйича ўтказилган сўровномаларда 1 минг 200 дан ортик фуқаролар иштирок эттишди. Келиб тушган таклифлар асосан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кредит ажратиш, текширувлар, солиқ соҳасида берилган. Бинобарин, кодексни ишлаб чиқишда асосий урғу тадбиркорлик соҳасида ягона ёндашувни белгилашга, тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳимоясига, бюрократия ва маъмурий юкни, шу жумладан, давлат органларининг бизнесга аралашувини кескин камайтиришга ҳамда бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Масалан, тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи яхлит 9 та амалдаги қонун ва 2 та янги қонун лойиҳалари, 10 дан ортик қонуности ҳужжатлари бирлашти-

рилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи 16 та асосий принциплар жумладан, тадбиркорликнинг эркинлиги, тадбиркорлар фаолиятига давлатнинг ноқонуний аралашishiга йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятидаги амалдаги текширувлар сони 2 баравар қисқартирилиб, уларнинг қатъий рўйхати ҳам ўз аксини топмоқда. Қолаверса, тадбиркорликка давлат томонидан аралашув кескин қисқартирилиб, унинг аниқ чегаралари, ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд катламлари рўйхати ва уларни, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг механизми белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Кодекс лойиҳаси 8 та етакчи халқаро ташкилотларга, жумладан, USAID, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Германия-

нинг "Berlin Economics" иқтисодий гуруҳи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига тақдим этилган бўлиб, ушбу ташкилотлардан экспертиза натижалари бўйича хулоса ва таклифлар келиб тушмоқда.

Халқаро конференцияда АҚШнинг мамлакатимиздаги фавкултда ва мухтор элчиси ўринбосари Паул Полетес, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дурбек Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислон Жасимов, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев, ЎзЛиДеп сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Дилшод Шоумаров, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Асадулла Қайумов, АҚШ халқаро тараққиёт агентлигининг Ўзбекистондаги

демократия ва бошқарув оффиси директори Файе Хаселкорн, Берлин иқтисодий гуруҳи эксперти Александер Кнут, Халқаро молия корпорацияси эксперти Тарик Сахович, Европа тикланиш ва тараққиёт банки эксперти Ливний Эрик, Жаҳон банки эксперти Девит Бабасян, Жаҳон банкнинг хусусий сектор бўйича мутахассиси Ералы Бекултан, TEAM университетининг таъсисчи акциядори, Kozinka.uz асосчиси Зафар Хошимовларнинг давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш шартлари, давлат ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигига оид маърузалари тингланди. Шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки бош иқтисодчиси, эксперт Петерсен Свенжа ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти сиёсий таҳлилчиси, эксперт Селесте Лапорте Таламонлар ўз маърузалари билан онлайн тарзда иштирок эттишди.

“ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ – ТАДБИРКОР МАНФААТЛАРИ УЧУН”



Ислон ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси раисининг биринчи ўринбосари:


ТАДБИРКОР ҲАЛИ МАҲСУЛОТИ ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТИБ БОРМАСИДАН ОЛДИН СОЛИҚ ТЎЛАШГА МАЖБУР ЭДИ

– Айни пайтда мамлакатимизда доимий иш билан банд бўлган аҳолининг 85 фоизи айнан тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Президентимиз тадбиркорларга “Фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари” дея таъриф берган.

Сўнгги йилларда тадбиркорларимизнинг кўкрагига шомол тегди. Тадбиркорлар билан ишлаш тизими онлайн йўлга қўйилди. Мурожаатлар қисқа муддатда қўрилиб, тавсия ва масlahатлар берилмоқда. Яна қайтариб айтаманки, бугунги кун тадбиркорларида кўрқув йўқолган.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркор маҳсулоти ҳали истеъмолчига етиб бормасидан олдин солиқ тўлашга мажбур эди. Бугун эса тадбиркор учун солиқ тўлашда 6 ойлик имтиёзли давр белгиланган. Яъни, фойдага қира бошлаганда солиқларни тўласа ҳам бўлади.

Тан олиш керак, тадбиркорлик фаолияти кучли ва ижтимоий-ҳуқуқий базага муҳтож. Мавжуд ҳужжатларнинг айримлари бир-бирини инкор этади. Бугунги кунда янги “Тадбиркорлик кодекси” лойиҳаси мутахассислар томонидан ўз маромига етказилмоқда. Унда тадбиркорлик фаолияти 4 та тоифага – микробизнес, кичик бизнес, ўрта бизнес ва йирик тадбиркорлик субъектларига бўлиняпти. Шунингдек, кодексда ҳунармандчилик ҳам ўзининг мукамал ифодасини топмоқда. Умуман олганда, кодекс устида яна ишлаш керак. У шундай яратилиши лозимки, бошқа хорижий давлатлар ҳам андоза оладиган бўлсин.



Шоҳида ЭРМАТОВА,
Тошкент вилоятидаги “Хон қизи”
масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

КОДЕКСДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ҲАМ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН

– Кодекс лойиҳаси тадбиркорликни ташкил этишдан тортиб, то уни тугатишгача бўлган нормаларни ўз ичига олган. Бу эса тадбиркорга жуда қулайлик яратди. Яъни, тадбиркор ўн та ҳужжатни титкилаб юрмай, битта ана шу кодексга тавниб иш юритади.

Кодексда бизнеснинг тоифаларга ажратилиши ҳам биз – тадбиркорлар учун жуда фойдали бўлмоқда. Мазкур ҳужжатнинг яна бир афзаллиги аёллар тадбиркорлигини ҳам ўз ифодасини топганидир. Бу ҳам бўлса, давлатимизнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга нечоғлик юксак эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Паул ПОЛЕТЕС,
USAIDнинг Ўзбекистондаги миссияси
директори ўринбосари:



ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КЎПЛАБ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛДИ

– МАЗКУР тадбирда Ўзбекистоннинг “Тадбиркорлик кодекси” лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ушбу кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда Адлия вазирлиги билан ҳамкорлик олиб бораямиз. Кодексни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад бизнес учун қўшимча шароитлар ва имкониятлар яратиш, хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга келишини оsonлаштириш, қўшимча иш жойлари яратиш, умуман олганда, Ўзбекистонда бизнес олиб бориш шароитларини яхшилашдан иборат. Ушбу кодекс қабул қилинса, тадбиркорлар учун кўплаб имкониятлар яратилади. Баъзи қонуности ҳужжатларнинг ўрнига ягона, тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини бирлаштирган янги кодекс ишга тушади. Бундан қўзланган мақсад тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни оsonлаштириш ва соддалаштиришдан иборат.

АҚШ қонунчилигида ҳам бу борада либерал даражада алоҳида қонунлар бор. Барча қонун ҳужжатлари ҳам бизнесга тўсиқларни олиб ташлаш, тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратиш, рўйхатдан ўтишни соддалаштириш ва шу каби имкониятларни қўзлайди. Тадбиркорлар учун қонун ҳужжатларида асосий мақсад – бизнес олиб боришга ҳалакат бермаслик қўзда тутилади.

Ўзбекистонда “Тадбиркорлик кодекси” лойиҳасини ишлаб чиқиш илк қадамдир. Қўйилган мақсадларга эришиш – кодексни қабул қилиш, уни амалиётга таътиб этиш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади.



Алишер БОЙҚАРАЕВ,
Кашкадарё вилоятидаги “Sevaz-Andronicks”
масъулияти чекланган жамияти директори:

ТАДБИРКОРДА КЎРҚУВ ЙЎҚОЛДИ

– Жамиятимизда ҳар бир соҳада ислохотлар ишлатилган билан олиб борилапти. Шундай пайтда тадбиркор ҳамма нарсасга улгуриши керак. Тадбиркор учун энг қimmat турадиган нарсалардан бири вақт ҳисобланади. Тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари яхлитлаштирилиб, ягона бир кодексга бирлаштирилаётгани биз учун қулайлик яратади, албатта.

Ҳамма тадбиркорлар ҳам ўз ҳуқуқини яхши билмайдди. Барча қонун ҳужжатлари билан етарлиқ таниш эмас. “Тадбиркорлик кодекси” қабул қилинса, шу маънода биз учун иш юритиш анча оson бўлади. Бугун кодекс лойиҳаси қизгин муҳокама қилиняпти, хорижий экспертлар билан тажриба алмашиляпти. Энг муҳими, барча ҳудудлардаги тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиляпти.

Кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси сабаб мамлакатимизда адолатли сиёсат юритилмоқда. Ҳозир шундай тизим яратилганки, эркин фикр билдиришингиз, таклифларингизни бемалол айтишингиз мумкин.

Ўтган йилдан бошланган Президентимизнинг тадбиркорлар билан жонли мулоқоти бизнинг кўп муаммоларимизни ечиб берди. Энг муҳими, тадбиркорларда кўрқув йўқолди. Эркин фикрли оладиган, хавф-хатардан холи ҳудуддагина эмин-эркин яшаш, ишлаш, бизнес юритиш мумкинлигини жаҳон тажрибасидан билиш мумкин.

Иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида янгиликлар бўляпти. Лекин, очигини айтиш керак, ҳудудлардаги шароит ҳар хил. Вилоят ёки туман, қатта шаҳар ёки шаҳарчалар бўладими, инфраструктура яхши ривожланган ҳудудларда тадбиркорлар учун ишлаш имкониятлари катта. Ҳамма шароитлар бор ҳудудда иш енгилроқ кечади. Жамиятимиз кишлоқ ҳудудда жойлашган бўлишига қарамай, яратилаётган имкониятлар сабаб қатта ютуқларга эришиб келяпмиз.

Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам тадбиркорларнинг таклифлари ўрганилмоқда. Солиқларни 6 ойгача кечиктириб тўлаш тизими жорий этилгани биз учун қатта имконият бўлди. Бу билан тадбиркорлар ўз маблагидан самарали фойдаланишга имкон яратилди. Шу ҳақда шахсан ўзим ёзма таклиф берган эдим. Тадбиркор сифатида бизга янги имкониятлар яратилаётганидан, таклифларимиз инобатга олинаётганидан хурсандман.

Гулабхор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбирлари

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ,
ТДЮ профессор, юридик фанлар доктори

Ўзбекистон ва ШХТ: Тараққиёт учун улкан салоҳият

МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва иштироки тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу билан бирга, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида, жумладан, изчиллик, қатъийлик, прагматик ёндашув, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги ислохотлар нафақат Ўзбекистонда, балки минтақада ва умуман дунёда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг кўплаб муҳим вазифалари халқаро ташкилотлар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида фаол иштирок этиш орқали ҳал этилмоқда. Сўнгги йилларда қузатилган дунёдаги геосиёсий вазиятнинг сезиларли ўзгариш шариотида ушбу ташкилотнинг аҳамияти бекиёс даражада ошди. Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти энди ўз тараққиёти учун улкан салоҳиятга эга бўлди. ШХТга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион км.кв.дан ошади. ШХТ маконида дунё аҳолисининг қарийб 44 фоизи – 3,5 миллиарддан ортиқ киши яшаб, жаҳон ЯИМнинг деярли 24 фоизини ташкил этади. Ташкилот 8 та доимий аъзо, 4 та кузатувчи давлат ва 9 та мулоқот ҳамкорларини бirlаштиради. 21 мамлакатдан иборат йирик “ШХТ оиласи” учта қитъани – Осиё, Европа ва Африкани қамраб олади.

ШХТ доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар нафақат ўзининг долзарблиги, балки самарадорлигини ҳам кўрсатмоқда. Бугунги кунда ШХТ минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, очик ва тўсиқсиз хусусиятга эга бўлган ташкилот сифатида ўзини намойён этди. ШХТ алоқа ва транспорт соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, сув, энергетика ва хом ашёдан оқилона фойдаланиш, экологик масалаларни ҳал этиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. ШХТга аъзо давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигида халқларнинг турмуш даражасини яхшилаш бўйича савб-ҳаракатларни бirlаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ягона энергия бозорини шакллантириш устувор йўналишлар жумласига киради.

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги янги ташқи сиёсат стратегияси ШХТ фаолиятида яққол намойён бўлмоқда. Ташкилот доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос келадиган, халқаро майдонда ўз имиджини яхшилашга ҳисса қўшадиган кўплаб ташаббус ва тақлифларни илгари сурмоқда.

Биргина 2017–2021 йилларда давлатимиз раҳбари ШХТ саммитлари давомида 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, ушбу тақлифлар, “йўл хариталари”, меъёрий-ҳуқуқий, сиёсий ва концептуал ҳужжатларда, шунингдек, ҳамкорликнинг янги механизми шаклида изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган тақлифларни амалга ошириш мақсадида 2021–2022 йилларда Ўзбекистоннинг амалдаги раислиги

даврида 14 та янги концептуал ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi раислиги энг асосий воқеа шу йилнинг 15–16 сентябрь кунлари – қадимий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТ давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлиси яқинлашиб, унда ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган янги ҳуқуқий ва катта аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилиниши назарда тутилмоқда. Улар ШХТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунли ва институционал жиҳатдан кенгайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё худудидан ўтувчи йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлакларини ва йўналишларини амалга ошириш вазифаларини ҳал этишга катта эътибор қаратмоқда. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш ва товар айирбошлаш соҳасида жиддий ютуқларга эришилди.

Энг муҳими, мазкур ташкилот саммитларида қабул қилинган ҳужжатлар минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Уларнинг барчаси ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчи давлатлар ва мулоқот ҳамкорлари ўртасидаги маданий-гуманитар, илмий, иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг раислиги давомида 80 дан ортиқ турли тадбирлар амалга оширилди, унинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ШХТ фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича аниқ натижаларга эришилди. Жумладан, ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, банклараро ассоциация Кенгаши, ШХТ ишбилармонлар Кенгаши каби тузилмалар фаолияти жадаллаштирилди. Ташкилотни узоқ муддатга ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгиладиган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг ШХТ билан ўзаро ҳамкорлиги нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки умуман глобаллашув жараёнлари ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. ШХТ аъзоларининг хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш борасида халқаро ҳамкорлик механизми доимий равишда такомиллашиб бораётгани алоҳида эътиборга молик.

Минтақавий хавфсизлик масалаларини бirlағилда ҳал этиш, ШХТ доирасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни қўллаш учун мустаҳкам замин яратяди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатимизнинг келгуси беш йилликдаги муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотларини жадал амалга ошириш мақсадида Тараққиёт стратегияси билан мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш белгиланди.

Фармонга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзи га юқлаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминланиши белгиланди.

Фармонда, шунингдек, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий қўмаклашиш учун “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизими жорий қилиниши белгиланди. Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг янги тартиб-таомили белгиланди.

Жумладан, эндиликда ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларнинг бекор қилиниши фақат суд тартибидида амалга ошириладиган бўлди. Қарорга кўра, мулк ҳуқуқига оид қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, юридик шахс тугатилганда, унинг ерга бўлган ҳуқуқини ҳам бекор қилиш амалиётидан воз кечиш тартиби жорий қилинди.

Бундан ташқари, қарорга кўра, дастлабки тергов жараёнида мол-мулкни асоссиз хатлаб қўйиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ушбу амалиётни фақат суд тартибидида амалга ошириш белгиланди.



МУЛК ҲУҚУҚИГА ОИД ҚАРОРЛАР ҲОКИМЛАР ТОМОНИДАН БЕКОР ҚИЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Шунингдек, тадбиркорларнинг маъмурий судларга ариза беришида давлат божи ставкаси 2 бараварга камайтирилди. Тадбиркорларнинг иқтисодий судларга бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи микдори эса, қайта кўриб чиқилади. Тадбиркорларнинг солиқ идораларининг қарори устидан судга шикоят киритиш муддати 3 йилгача узайтирилмоқда.

Эндиликда тадбиркорларнинг банкдаги ҳисоб рақамидан пул маблағларини унинг розилигисиз қўчириш ёки олиб қўйиш ҳолатлари бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади, аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Мазкур ислохотлар маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятlidir.

Мансур ТОШПҲЛАТОВ,
Нурафшон туманлараро
маъмурий суди судьяси

“Notariat to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 152-moddasi va Qashqadaryo viloyati adliya boshqarmasi huzuridagi malaka komissiyasining 2022-yil 29-avgustdagi 6-son yig'ilish qaroriga asosan Shahrisabz shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Kayrulloeva Dinora Adxamovnaga (iltsenziya KS 0020, 2020-yil 24-aprel) viloyat adliya boshqarmasi tomonidan berilgan xususiy notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini beruvchi iltsenziyaning amal qilishini 1 oy muddatga, ya'ni 2022-yilning 30-avgust kunidan 30-sentyabr kuniga qadar hamda Yakkabog' tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Turayeva Dilafuz Sezanovnaga (iltsenziya KS 0042, 2020-yil 27-aprel) viloyat adliya boshqarmasi tomonidan berilgan xususiy notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini beruvchi iltsenziyaning amal qilishini 1 oy muddatga, ya'ni 2022-yilning 30-avgust kunidan 30-sentyabr kuniga qadar to'xtatildi.

Jizzax viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 7-sentyabrdagi 176-um-sonli buyrug'iga asosan, talabgor Anorboyev Amiriddin Ulug'bek o'g'liga “Iqtisodiy va fuqarolik”, “Ma'muriy va jinoyi” sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000170-sonli iltsenziya berilganligi ma'lum qilindi.

O'zbekiston Respublikasining “Advokatlar to'g'risida”gi Qonunining 16-moddasiga asosan Farg'ona viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 24-avgustdagi 256-um-sonli buyrug'iga asosan Farg'ona shahridagi “Himoyadasi” advokatlar hay'ati advokati Voxobov Arab (29.12.2018-yilda berilgan FE 000075-sonli iltsenziya, 29.12.2018-yilda berilgan №074-sonli advokatlik guvohnomasi) advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi iltsenziyasining amal qilishi hamda advokatlik ma'qomi tugatilganligi ma'lum qilindi.



ТОШКЕНТ

СИРДАРЁ

Мобил-ID нима?

ҚОҒОЗБОЗЛИК барҳам топади

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ жорий йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш қўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун давлат хизматлари кўрсатишда замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомиллардан воз кечиляётгани, инсон омилини қисқартириб, қоғозбозликка барҳам бериш орқали хизматлар даражасини юксалтиришни талаб этмоқда.

2022 йил 30 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Мобил-ID тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан Мобил-ID тизимида идентификациялаш, тизимдан фойдаланиш ва идентификацияни бекор қилишни тартибга солувчи Низом тасдиқланганди. Мазкур Низомга кўра, Мобил-ID тизими – интерактив давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланувчини рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш, верификация қилиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчилар билан алоқани таъминлашга мўлжалланган мобил телефон рақамига боғланган идентификация тизими ҳисобланади.

ТИЗИМ НИМАСИ БИЛАН ҚУЛАЙ?

Шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали амалга оширилади.

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита давлат хизматлари маркази ёки нотариал идорага му-

рожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли тақдим этилади. Марказ ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга туширилади, электрон шаклда қўл бармоғи изи олинди ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади.

Эндиликда Мобил-ID тизимидан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Барча ҳаракатлар мазкур тизимда муҳассаб бўлади. Бу эса, бюрократик тўсиқларга, маъмурий сансалоқликларга, турли қоғозбозликларга чек қўяди, дегани.

“ТАСДИҚЛАНГАН ФОЙДАЛАНУВЧИ” КИМ?

Фойдаланувчилар Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтганидан кейин “Тасдиқланган фойдаланувчи” мақомини олади ва барча электрон давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади. Кредитлаш соҳасида кўрсатиладиган молиявий хизматлар бундан мустасно.

Мобил-ID тизими орқали идентификациялаш юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслигини алоҳида эслатиб ўтмоқчимиз. Шунингдек, Мобил-ID тизимида идентификация ва қайта идентификациядан ўтишда бевосита маълумотларни йиғиш пунктига келиб мурожаат этилганда, 2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмайди. 2023 йил 1 январдан бошлаб эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида тўлов ундирилади. ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали мурожаат қилинганда эса, бепул амалга оширилади.

Хуршид ПРНАЗАРОВ,
Тошкент вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

АДЛИЯ

ТОШКЕНТ

ПАРКЕНТ туманидаги “Бўстон” маҳалласида яшовчи фуқаро К.Абдухолиқов туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, тумандаги 24-сонли умумий ўрта таълим мактабида 2020 йил 2 августдан география фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб келганлиги ва мактаб директорининг 2022 йил 26 майдаги буйруғига асосан иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини норози бўлиб, уни аввалги ишига тиклашда амалий ёрдам беришни сўраган.

Ҳолатдан норози бўлган М.Баймуратов хизмат сафари харажатларини қоплаб беришда амалий ёрдам сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Аниқланишича, вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси (муқаддам вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси) томонидан маблағ йўқлиги важи билан Баймуратов ва 13 нафар спортчига ҳақиқатан ҳам хизмат сафари харажатлари тўланмаган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 171-моддасида хизмат сафарида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда йўлқира, доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан, уй-жой ижараси билан боғлиқ ҳамда ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар тўланиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ҳамда улар иштирокчиларининг моддий таъминоти нормаларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандида спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни, молиялаштириш ваколатли органлар ҳамда спорт ташкилотлари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, адлия бошқармаси томонидан вилоят спортни ривожлантириш бошқармасига мазкур қонунбузилишини баргараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилиб, М.Баймуратов ва 13 нафар спортчи 11 миллион 760 минг сўм миқдоридagi хизмат сафари харажатлари ундириб берилди.

Тимур КАРИМОВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими



ЎҚИТУВЧИ ЎРНИГА ҚАЙТДИ

Мурожаатни ўрганиш давомида аниқланишича, К. Абдухолиқов ҳақиқатан ҳам 24-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорининг буйруғига асосан 2020 йил 2 августдан география фани ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинганлиги ва фаолият юритганлиги маълум бўлди. Шунингдек, мактаб директорининг 2022 йил 26 майдаги буйруғига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳам ўз тасдиғини топди.

Гарчи директорнинг буйруғига касба уюшманинг ёзма розилиги ва юрист хулосаси асос қилиб кўрсатилган дейилса-да, аслида К.Абдухолиқовни мактаб директорининг 2022 йил 16 майдаги тақдимномаси касба уюшмаси йиғилишида муҳокама қилинмаганлиги, уюшма йиғилишига тақлиф этилмаганлиги ва иштирок этмаганлиги, уюшма йиғилиши баённомаси расмийлаштирилмаганлиги ҳамда уюшма қарор қабул қилмаганлиги, хуллас, ўқитувчи ишдан ноқонуний бўшатилганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Паркент туман бўлими томонидан фуқаро К.Абдухолиқовнинг манфаатини қўлаб қўлловчи ишлари бўйича Юқоричирик туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд томонидан мактаб директорининг буйруғи ҳақиқий эмас деб топилиб, К.Абдухолиқовни ўз ишига тиклаш ҳамда унга мажбуран бекор юрган қўнларни учун 11 миллион 656 минг 572 сўм миқдоридagi иш ҳақи ундириб берилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Гулбой РАҲМОНҚУЛОВ,
Паркент туман адлия бўлими
бошлиги



СПОРТЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИ УНДИРИЛДИ

ФУҚАРО М.Баймуратов Сирдарё вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлигининг 2021 йил 2 мартдаги буйруғига асосан 2021 йилнинг 15-18 март кунлари Тошкент вилоятига ўқув йўгин машғулотиди иштирок этиш учун 13 нафар спортчи билан хизмат сафарига юборилган. Бироқ, уларга хизмат сафари харажатлари тўлаб берилмаган.

ОДАМЛАР ОРАСИДА



ЯНА ШУ ГАП, УСТАМАДАН ДАРАК ЙЎҚ!

БУХОРО туманидаги "Истиқбол" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Муродовнинг ўз иш жойидан устама ҳақини ўндиришда амалий ёрдам беришни сўраб қилган муурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Муурожаатни ўрганиш давомида С.Муродова 2010 йил март ойдан буён туман давлат мактабгача таълим бўлимига қарашли 8-сонли мактабгача таълим ташкилотидида ҳамшира лавозимидида ишлаб келаётган бўлса-да, унга кўп йиллик меҳнат фаолияти учун устама ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорига илова сифатида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомнинг давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасига мувофиқ, уларни молиялаштириш манбаларидан қатъи назар мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган давлат муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг, шунингдек, қонунчиликда на-

зарда тутилган қўшимча тўлов, устаmalar ва рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган бошқа тўловларни тўлашнинг ягона принципларини белгилаб, Низомнинг 25-бандига мувофиқ, врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш барча муассасалари фармацевтика ходимларига ишлаган иш стажига қараб устамалар тўланиши қайд этилган.

Туман адлия ва молия бўлиmlарининг ҳамкорликдаги ўрганиш якунларига кўра, юқорида қайд қилинган Ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман адлия бўлими томонидан туман мактабгача таълим бўлими мудири номига киритилган тақдимнома ижроси таъминланди ва ҳамширага 7 миллион 659 минг 900 сўмлик устама тўланган бўлди.

Абдурахимхўжа БАҒАЕВ,
Бухоро туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНҒАН



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қароридида "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомнинг 25-бандида, врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча муассасалари фармацевтика ходимларига узлуксиз иш стажини 5 йилдан 10 йилгача бўлганда тариф ставкасининг 5 фоизи миқдоридида, 10 йилдан 15 йилгача бўлганда 10 фоизи миқдоридида, 15 йилдан

20 йилгача бўлганда 15 фоизи миқдоридида, олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамширалари учун эса тариф ставкасининг 20 фоизи миқдоридида, агар ҳамшира иш стажини 20 йилдан ортиқ бўлганда 20 фоизи миқдоридида белгиланиши, олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамшираларига 20 йилдан ортиқ стаж учун эса тариф ставкасининг 30 фоизи миқдоридида устама тўланиши белгиланган.

Бирок, Янгикўрган туман мактабгача таълим бўлимига қарашли мактабгача таълим ташкилоти ҳамшираларининг 37 нафарига Ҳукумат қароридида белгиланган узлуксиз иш стажига қўшиб берилиши лозим бўлган 2019 йил май ойдан ҳозирга қадар 200 миллион сўмга яқин бўлган устама пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Туман адлия бўлими томонидан ҳамшираларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрган туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, 37 нафар ходимга 200 миллион сўмга яқин устама пуллари тўлаб берилди.

Шерали ПАРПИБОЕВ,
Янгикўрган туман адлия бўлими бошлиғи

НАВОЙ

ҚАРОР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ

2022 ЙИЛНИНГ июнь ойида Нурота туман адлия бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари"нинг 23-бандида: "Мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар кутубхоначиларига ёки бошқа ходимларга дарсликларнинг кутубхона фонди билан шугулланганликлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,6 фоизи миқдоридида қўшимча ҳақ тўланади. Кейинги ҳар бир 1 минг 500 нусха дарслик учун 5 фоиз, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10,6 фоизидан миқдорда кўп бўлмаган қўшимча ҳақ тўланади", – деб белгиланган талаблари ижроси мониторинг қилинди.

Мониторинг натижасига кўра, тумандаги умумтаълим мактаблари томонидан ходимларга 41 миллион 690 минг 800 сўмлик қўшимча ҳақ тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, ходимларнинг маблағи тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Умид СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТИҚЛАНДИ

ҚИБРАЙ ТУМАН халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли ўмумий ўрта таълим мактабидида мусиқа ўқитувчиси лавозимидида фаолият юритаётган Э.Р. мактаб маъмурияти томонидан меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига муурожаат қилган.

Аниқланишича, 35-ўмумий ўрта таълим мактаби масъул ходимлари томонидан Э.Р. билан 2008 йилдан ҳозирги кунга қадар мусиқа ўқитувчиси лавозимига ўриндошлик асосида шартнома тузилган. Ваҳоланки, у 1996 йилнинг 2 сентябрдан мазкур ўрта таълим мактабига мусиқа ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинган.

Мактаб масъул ходимлари томонидан Меҳнат кодексининг 76-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги оқибатида Э.Р.нинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Мактаб директорининг 2022 йил 25 майдаги 91-сонли буйруғига асосан Э.Р. билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан бекор

қилинган. Меҳнат кодексининг 76-160-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"даги қарори талаблари бузилганлиги оқибатида ходимга берилиши керак бўлган йиллик меҳнат таътиллари берилмаган ва таътиллار учун ҳақ тўланмаган. Ушбу хатти-ҳаракатлари билан мактаб масъул ходимлари томонидан юқоридаги қонун ва қарор талаблари бузилган.

Туман адлия бўлими томонидан мактаб маъмуриятига мазкур қонунбузилишини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимномага асосан мусиқа ўқитувчиси Э.Р.нинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ,
Қибрай туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ

ЯНГИЙЎЛ туман адлия бўлими томонидан тумандаги корхона ва ташкилотлар томонидан ишчи ва ходимларга ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланиш ҳолати мониторинг қилинганда, Тошкент вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармасининг Янгийўл "Иссиқлик манбаи" филиалида иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётганлиги ҳолати аниқланди.

ВАҚТИДА ТЎЛАНМАГАН ИШ ҲАҚИ СУД ОРҚАЛИ УНДИРИЛДИ

Янгийўл "Иссиқлик манбаи" филиалидан олинган маълумотга кўра, филиалда хизмат кўрсатаётган 48 нафар ходимга 2022 йил июль ҳолатига 407 миллион 92 минг 804 сўм миқдоридида қарздорлик мавжудлиги маълум бўлган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш бевуви ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иш учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлашга мажбурлиги кўрсатилган.

Шунингдек, кодекснинг 161-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланган ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамоа шартномасида иш бевувининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан Тошкент вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармасининг Янгийўл "Иссиқлик манбаи" филиалининг 48 нафар ходимига тўланмай қолган жами 407 миллион 92 минг 804 сўм ойлик иш ҳақини ўндириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига ариза киритилди. Ва ойлик иш ҳақи тўланиши юзасидан суд буйруғи қабул қилинди.

Охунжон САТИМОВ,
Янгийўл туман адлия бўлими бошлиғи Я.Б.

Дилбандингизнинг кўнгли бутунми?

ХАЁТНИНГ биз кутмаган имтиҳонлари, тақдирнинг биз хаёлга келтирмаган зарбалари бор. Ҳар қандай қутилмаган бахтсиз тасодифлар, фожиалар, оила бузилишлари, ҳатто оддий оилавий можаролар чоғида ҳам энг кўп жабр кўрадиган тоифа бу, албатта, болалар эканлигини жуда яхши биламиз. Уларнинг япроқдек нозик кўнглини ҳадегандан ўйлайвермайдиган даражада бешафқат бўлиб бораёпмиз. Битта ноҳўя ҳаракатимиз, битта аччиқ сўзимиз болаларнинг беғубор қалбини, кўнгил шишасини чилчил синдириши мумкинлигини, наҳотки, англамайдиган бўлиб қолдик? Аслида ўзи ёмай едирган, ўзи киймай кийдирган, дилбандини кўзининг қорачигидек асрайдиган элнинг авлодимиз деймиз-у, амалда баъзи ўлчовсиз гуноҳларимизнинг уволидан қўрқамиз. Бу билан орамизда меҳрини ҳеч кимдан дариғ тутмайдиган, бегона болага ҳам ўз боласидек меҳр кўрсатаётган меҳридарё одамлар кўпчилигини асло инкор қилмоқчи эмасимиз.

Ҳа, "Инсониятни болаларсиз бунчалик севиб бўлмасди!" деган улугъ эзувчи ва файласуф Фёдор Достоевский минг қарра ҳақлигини ҳар лаҳза эси этамиз. Болалар ҳақиқий мўъжизанинг ўзи. Улар-

сиз яшаб бўлмайдиган. Аммо болаларнинг беғубор кулгуси ортида қанча-қанча дардлар, армонлар, аламлар борлигини ҳам инкор эта олмаимиз. Ўз яқинлари томонидан қалтакланган, бешафқат одамлар томонидан ўғирланган, ҳўрланган, ўлдирилган болалар, афсуски, ҳамма ерда, бизнинг жамиятимизда ҳам бор. Шифохоналар деразасидан ташқарига маъносиз боқиб, ҳаёт манзараларини кузатаётган хаста юракчалар, бирор нарсани ушлашга ҳолсиз, мажолсиз қўлчаларни кўргангизда дунё кўз ўнгингизда остин-устун бўлиб кетмайдими? Уларнинг кўзларидаги умид ахтариб яшаш азобини тасвирлай оласизми? Жондан азиз дилбандингизнинг бағри бутун бўлиши учун нимага қодирсиз, нималар қилдингиз, ҳеч ўйлаб кўрддингизми?

Боланинг бегонаси бўлмайдиган

Бир кам дунёнинг ками ҳеч қачон бўлмайдиган... Кимлардир неча йиллар бир тирноққа зорлигидан воқифмиз. Кимлардир норасида гўдагини кўчага чиқинди қутисига ташлаб кетишдан қўрқмайдиган даражада ёвузлашаётганлигидан нафратдамиз.

Қаерда, қай ҳолатда, қай вазиятда бўлмайлик, болаларнинг битта табассулига асирмиз. Худди шунингдек, ҳатто бегона боланинг ҳам кўзида ёш қурсак,

титраб кетамиз, албатта тўхтаб, бисоти-миздаги энг ширин сўзларни айтиб, уни юпатмоқчи бўламиз. Чунки биз учун болаларнинг бегонаси йўқ.

Бугунги қаҳрамонларимиз ҳам худди шундай. Улар меҳридарё, болалар оила. Кўпчилик танимайдиган навоийлик оддий тарбиячи аёл ва оддий ишчи йигит. Ўзи қилаётган яхшиликларни оддий вазифа ва инсонийлик бурчи деб ўйлайдиган, етим болаларни боқаяпман деб, идорама-идора ёрдам сўраб юришни ўзига эп қўрмайдиган, ота-онасиз қолган уч ўғил-қизни ўз бағрига олган оила. Улар миннат бўлади, деб ҳатто исмларини ёзмастлигимизни илтимос қилишди. Исмларини ўзгартириб ёзишга мажбур бўлдик. Собиржон болаларнинг тоғаси, Дилором эса тоғасининг аёли. Оилада ўзларининг икки нафар вояга етмаган фарзандлари ҳам бор. Собиржоннинг тегислиги Нигора уч фарзандининг келажагини ўйлаб Россия Федерациясига ишлагача кетганди. Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деб бекорга айтишмаган экан. Тирикчилик, оғир шароитларда ишлаш, пандемия деган бало бу оиланинг бошига оғир кулфат солди. Онаси вафот этиб, вояга етмаган болалар бегона юртда қаровчисиз қолди. Жигар учун бегона давлатда вафот этган қариндошининг тобуртини ўз ватанига олиб келишдан оғирроқ

қайғу йўқ. Шундай вақтда жудоликнинг, айрилиқнинг оғир юкни ҳеч қайси таразда ўлчаб бўлмайдиган. Собиржон бу оғир юкни ўз елкасига олди. Синглисини сўнгги йўлга қузатди, унинг болаларини васийликка олди. Ўз фарзандларига нисбати раво кўрса, уларга ҳам шуни раво кўраётти. Жиянларини асло ўқситмай қатта қилаётти. Уларни "Меҳрибонлик уйи"га топширишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Меҳр-оқибати учун ҳеч қандай рағбат ишламайдиган, ҳеч қандай манфаат кўзламайдиган, ҳеч кимдан марҳамат кутмайдиган шундай одамлар борлиги учун ҳаёт маънолидир балки?!

Аслида ота-онанинг ўрнини ҳеч ким – на момо-боболар, на опа-акалар, на амма-ю холалар, ҳеч ким боса олмайди, тўлдиролмайди. Лекин тақдирнинг зарбалари одами ҳар қандай қўрғуликка кўникишга, ҳар қандай бахтсизлиқни тан олишга мажбур қилади.

Аваллари қаровсиз, боқувчисиз, меҳрга зор болаларни ҳамма шарт-шароитлари муҳайё "Меҳрибонлик уйи"лари ўз бағрига оларди, давлат уларга ғамхўрлик қиларди. Болалар, гарчи, ташлаб кетган ота-онаси келишини интизорлик билан кўтиб яшаса-да, уларнинг бу ерда ўз ҳаётлари, ўз ошёнлари, ўз меҳрибонлари бор эди... Ўтган йили юртимиздаги "Меҳрибонлик уйи"лари ёпилди.



Маруса ХОСИЛОВА,,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Дунё МЕҲРГА ЗОР БЎЛМАСИН!



"Меҳрибонлик уй"лари нега ёпилди?

Бу савол кўпчилиқни ўйлан-тиргани аниқ. Чунки қутилмаган тақдир зарбаларидан ота-онасидан, қариндош-уруғларидан айрилган болалар қаерга бориши мумкин? Албатта, "Меҳрибонлик уйи"га. Кейинги йилларда "Меҳрибонлик уйи"лари ҳам болаларга меҳр ошён бўлмай қолганига жиддий мисоллар бор. Интернет хабарларида Болалар оғибудамани Алия Юнусова 21-Меҳрибонлик уйи"да болалар ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари бузилиши, болаларга нисбатан зўравонлик, жумладан, болаларни психиатрия шифохонасига мажбуран юбориб келинганлиги ҳолатлари қузатилгани ҳақида хабар берган эди. Бу ҳам етмаганидек, маблагларни ўзлаштириш ҳолатлари аниқла-ниб, муассаса директори билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида ҳам хабар тарқалганди.

Ёки бир неча йил аввал айрим вилоятларда "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган вояга етмаган қизларнинг одам савдоси қўрбонига айланганлиги ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардормиз.

Булardan ташқари, тарбияланувчилар бу маскандан кетгандан сўнг паноҳсиз қолди, боши берк кўчаларга кириб адашди, ўз йўлини йўқотди. Хуллас, бу ошёнларда ҳам муаммолар кўпайди, натижада улар ёпилди.

Шундай вақтда ўз боласини "менга ҳалақит бераёпти ёки уни боқишга қўрбим етмайди

"Меҳрибонлик уйи"га топшириш учун йўлланма беринг" деб маҳаллага борган баъзи оналар бу жой ёпилган, боласини қаерга топшириди экан, деган хавотир кўпчилиқни ўйлантирганлиги табиий. Орамизда ҳали эндигина "она" дейишни ўрганган боласини қариндошига, қўшнисига, танишига ташлаб, ўзи чет элларга кетаётганлар ҳам оз эмаслигини яхши биламиз. Уларнинг тақдири нима бўлишини тасаввурга сигдириш қийин. Шундай шиддатли ва ғўрбатли даврда ҳимоясиз болаларга ҳар қандай ёмонлиқни раво кўрадиган манфур кимсалар, афсуски, орамизда борлигини инкор этиб бўлмайди.

Хайрият, Президентимизнинг "Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2022 йилнинг 1 сентябридан бошлаб "Оилавий болалар уйи"лари ташкил этиладиган бўлди.

"Оилавий болалар уйи"лари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишни истган фуқаролар томонидан юридик шахс мақомисиз тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг

қарори асосида ташкил этилади. Бундай уйлар тарбияланувчилари сони камида 3 нафарни, кўпи билан 5 нафарни ташкил қилиши лозим. "Оилавий болалар уйи"ни ташкил қилган фуқароларнинг ўз фарзандлари ҳамда тарбияланувчиларнинг умумий сони 8 нафардан ошмаслиги керак.

Президент қарорининг моҳияти нимада?

Ўз-ўзидан "Оилавий болалар уйи"ни кимлар очishi мумкин?" деган савол туғилди. Президент қарориди "Оилавий болалар уйи"ларини тутишган ота-оналарни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган фуқаролар ташкил қилишига рухсат этилади. "Оилавий болалар уйи"лари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Миллий гвардия ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан амалга оширилади. Тарбияланувчилар 18 ёшга тўлгунча ёхуд бошқа сабабларга кўра кетгунча қадар мазкур уйларда қолади.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб "Оилавий болалар уйи"ни ташкил этган фуқароларга

ҳар ойда давлат бюджетидан 7 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдориди, 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари миқдориди, шунингдек, "Оилавий болалар уйи"даги ҳар бир тарбияланувчини парварिश қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1 баравари (ногиронлиги бўлган болалар учун 1,5 баравари) миқдориди ҳамда "Оилавий болалар уйи"га тарбияга олинган ҳар бир ногиронлиги бўлган болани даволаш-соғломлаштириш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдориди маблаг ажратилади. Маблаглар ҳар ойнинг 5-санасига қадар тутишган ота-она номига очилган банк пластик картасига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади.

Тарбияланувчиларга худудда жойлашган давлат спорт мажмуалари, маънавий-маърифий масканлар, тўғарақлар, от спорт секциялари, "Ишга марҳамат" мономарказлари ва бошқа ўқув марказларидаги тўғарақлар ва курсларга бепул қатнашиш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан йилига

бир маротаба соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратилади. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир йилда икки маротаба республикамизнинг тарихий шаҳарларига бепул саёҳатлар ҳамда театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилади. Давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан бир йилда икки маротаба бепул тўлиқ, тиббий текширувдан ўтказилади.

"Оилавий болалар уйи"даги тарбияланувчиларга берилаётган соғломлаштириш оромгоҳига ва саёҳатга бориш, театр томошалари ва концертларда қатнашишга оид имтиёзлар "Оилавий болалар уйи"ни ташкил этган фуқароларнинг фарзандларига ҳам татбиқ этилади.

Давлатимиз минг марта ғамхўрлик қилса ҳам, чексиз имкониятларни ва барча шарт-шароитларни яратиб берса ҳам, қорақўларимиздан воз кечмайлик, илтимос, уларни дунёларга алишмайлик. Фарзандларимиз жонимизнинг томири бўлиб қолсин! Бир ҳақиқатни унутманг: "Фарзандларингиз қабрингиз бошида йғлашини истасангиз, уларнинг кўз ёшларини беҳуда тўкманг!"

СИР эмаски, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг айрим туман ва шаҳарларида ер ажратиш билан боғлиқ ноқонуний ҳолатлар, айниқса, коррупцияга оид жиноятлар кўпайиб кетганди. Бинобарин, шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан бу борадаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҲОКИМ ҚАРОРИ ХАТО БЎЛИБ ЧИҚДИ



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони ана шу эзгу ташаббуснинг ёрқин ифодасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги фармоннинг 8-бандида фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан мазкур фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилиши белгиланган. Аммо шундан кейин ҳам баъзи туман, шаҳарларда, аниқроғи, амалдаги қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, фармонлари талабларидан кўра ўзиникини маъ-

қуллайдиган, шахсий манфаатини устун қўядиган ҳокимлар томонидан ер ажратиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш ҳолатлари кузатилди.

Афсуски, Тошкент вилоятининг Чиноз туман ҳокими ҳам шундай қилди. Яъни, ҳоким жаноблари тилга олинган Президент фармони қабул қилинганидан 3 кун ўтиб — 2021 йил 11 июнда туманнинг "Бирлик" маҳалласи ҳудудидан фуқаро У.Исмаиловга давлат-шериклик шартлари асосида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 0,12 га ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорига имзо чекади. Негадир мазкур ҳолатга туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси ҳам томошабин бўлиб тураверди. Кейинчалик эса туман ҳокимининг бу ғайриқонуний хатти-ҳаракати Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан аниқланган. Шунингдек, Чиноз туман ҳокимининг юқоридаги ноқонуний қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, Нурафшон туманлараро маъмурий судига ариза киритилади.

Буни қарангки, суд мажлисида яна бир "сир" фаш бўлди. Гап шундаки, судда учинчи шахс сифатида кўрсатув берган У.Исмаилов "Бирлик" МФЙ раиси бўлиб ишлашни, бироқ давлат-шериклик асосида ер майдони ажратишни сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилмагани, бинобарин туман ҳокимининг тилга олинган қароридан хабари йўқлигини, ер майдони унга ажратилмаганини баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189-моддасида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёҳуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёҳуд ҳаракатларини (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши белгиланган. Шу боис, Нурафшон туманлараро суди вилоят адлия бошқармасининг аризасини қаноатлантириб, Чиноз туман ҳокимининг 2021 йил 11 июндаги 113-10-144-Қ/21-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Кези келганда барча туман, шаҳар ҳокимликлари масъул ходимларига ер муносабатларига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини теран англаб олишлари шартлигини эслатиб ўтиш ўринли. Зеро, Бош қомусимизнинг 55-моддасига биноан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир.

Бахтиёр НОРМАМАТОВ,
Нурафшон туманлараро
маъмурий суди судьяси



Сўнгги пушаймон...

ЎЗГА инсонни алдаш, чув тушириш ёмон иллат. Ҳаётимизда шу хилдаги жиноятлар нисбатан кўп учрайпти. Яқинда судда фирибгарлик билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи Э.К. 2021 йил 23 апрель кuni Ш.С.ни алдайди.

— Ўқиш ва ишлаш учун Жанубий Кореяга бормоқчи эдим, — деди судланувчи суддаги кўрсатмасида. — Ушбу давлатга ўқишга бормоқчи бўлганларнинг шахсий ҳисоб рақамида 20 минг АҚШ доллари бўлиши керак экан. Шундан кейин ўзимга таниш аёлга кўнғироқ қилиб, банкдан маълумот олишимда ёрдам сўрадим. Аёл илтимосимга кўра, бир кунга менинг номимдан 20 минг АҚШ доллари қўйишга рози бўлди. Биз 23 апрель кuni банк олдида кўришдик ва унинг эри банк газнасига 20 минг АҚШ доллари топширди. Мен уларга пулларингизни 26 апрелда олсизлар, деб гаров сифатида фуқаролик паспортимни бердим. Кейин хорижга чиқиш паспорти билан 20 минг АҚШ доллари банкдан ечиб олиб, тотализаторда ютказиб қўйдим. Аёлга банкдан пулни олиш учун паспортим кераклигини айтдим. 27 апрель кuni пулнинг эгаси телефон қилиб, иши чиқиб қолганлиги сабабли пулни олишга ва паспортимни қайтариб бериш учун менинг олдимга синглиси боришини айтди. Шундан кейин мен танишларимга бир аёл паспортимни олиб қўйди, паспортимни олишда ёрдам беринглар, деб ёлгон гапирдим. Танишимнинг синглиси келганида "Бировнинг паспорти нега сизда қўрибди", деб олиб қўйишди. Ёлгон гапириб алдадим. Кечиринглар... Бундан ташқари, Э.К. Кореяга кетмоқчи эканлиги, бироқ шахсий ҳисоб рақамида 20 минг АҚШ доллари бўлиши лозимлигини айтиб, яна бир фуқарони алдаган.

Ўзга инсонларни алдаб, ишончига кириб, пулларини олиб, қочиб юрган Э.К. қўлга олинди.

Фирибгарлик йўли билан икки фуқарони чув туширган Э.К. ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Эгри йўл — қора йўл дегани шу бўлса керак.

Шоҳидёр ШЕРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси

О. ТУРҒУНОВ (исм-шарифлари ўзгартирилган)нинг оилавий шароити яхши эмасди. Бунинг биринчи сабаби бир жойда муқим қаноат билан ишлолмаганида бўлса, иккинчиси ўзига ўзи доимо панд бериб юрарди. "Тўрт нафар болам ҳўрмат, энди бу йўлга кирмайман", дея сўз берадди-ю, иродасизлик қилиб, ҳам виждони, ҳам атрофидагилар олдида уятга қолаверарди.



"Иши" битмаган "ишбилармон"лар қисмати

Йигит бўлиб оилавий шароитни яхшилаш, турмуш сифатини ошириб, ота-онаси учун фэйзли шарт-шароитларни яратиб бериш ўрнига жиноят устига жиноят содир этаверган бу йигитдан дўст-ёрлари ҳам юз ўгиришгандай эди. Хуллас, "қаҳрамон"имиз бир неча маротаба судланса ҳам кўзи очилмади.

У Л.Ҳалилов билан мавсумий ишларни бажариб юрганда танишиб қолганди. Ушанда Лазизнинг гиёҳванд модда истеъмол қилишидан хабар топган Огабек унга "бу ёмон ҳолат, бу йўлдан қайт, ёшсан, келажагингни ўйла", демади. Чунки унда бундай мулоҳаза юритиш лаёқати йўқ эди. Қайтанга кuni келиб ундан фойдаланмоқчи бўлди.

— Катта пул топишни истайсанми? Бир танишим анавиандан, "чарс"дан топиб беришимизни илтимос қилапти. Нақд икки юз грамм сўрапти, грамига икки юз минг сўмдан берасан, дедим. Агар элпосак, биласанми, бир йил ишламай ётсак бўлаверарди.

Огабекнинг бу гапи Лазизга маъқул келди. — Бунинг битта йўли бор, — деди у ўйлаб ҳам ўтирмай. — Менда озгина "дори" бор, бозордан "женшень" оламиз ва яна бир нималар қиламизда ишқилиб... Хуллас, икки юз грамм топиш мумкин.

— Мана сенга бир юз йигирма минг. Югур, ўша айтганиндан топиб кел. Ишни тезлаштирайлик.

Шу тариха жиноий тил бириктирилди. Икковлон "Обод қишлоқ" фермер хўжалиги далаларида ўсиб ётган, аввалдан билишгани — ёввойи наشا ўсимлигини юлиб олиб, қўритишди, эзишди. Лазизда бўлган "наша" ҳамда "женшень" моддаларини қўшиб, сотувга тайёрлашди. Аммо авжи савдо устида, яъни О.Турғунов ҳамда Л.Ҳалилов гиёҳвандлик воситасини махсус харидор А.Абдурахмоновга 36 миллион сўмга сотишганда ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Оқибатда иккала ҳамтовоққа нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Суд уларни Жиноят кодексининг 273-моддаси бешинчи қисми билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шу ўринда бир гап. Ишбилармонлик иқтидорининг бир намунаси. Аммо у эзгуликка хизмат қилмаса, қишига наф бермайди. Аксинча қуфлат, фожиаларга олиб келади. Шу маънода юқоридаги шахсларнинг қилмишлари, фақат пул илинжида, гараз ният билан тайёрлаган маҳсулотлари кимнингдир ҳаётига бевақф нукта қўйиши ёки ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин эди.

Жиноят жазонинг бошланиши. Чунки уни содир этувчининг ортидан аяқланиш ҳам азият чекишди. Жиноятчи эса суд ҳукмидан сўнггина уларнинг ана шу надоматларини ҳис этгандай бўлади. Атрофига идрок билан боқмаганидан афсусланади. Бироқ сўнгги пушаймон ўзинга душман, деб бежиз айтишмаган.

Дилмурод МАДАМИНОВ,
Наманган вилоят суди судьяси

Инсон
ва қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
руйхатга олинган

1529 0030-7947



4720302794004

Бош
муҳаррир
В.В.Б
Ёрбек
ИСКАНДАРОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Мурад Мубаракхонжаевич
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Юлдашева Шоҳидхон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлхатлар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3140
Буюртма — 337

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос қилинган нархда

1 2 3 4 5

ОДАМЛАР табиатан кимгадир ҳавас билан қарайди, унга ўхшаси келади. Айниқса, ёшлар болалик даврида ноқ ўзлари учун кимдир намуна қилиб олади. Юриш-туришда, ҳатто кийинишда ҳам унга тақдир қилишга интилади. Баъзи кишилар эса, ўзлари ҳавас қиладиган кишиларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш учун кўп вақтларини сарфлайди. Албатта, ана шундай ибратли инсон бўлиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Кейинги йилларда юртимизда устоз олимларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш давлат сийосатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бутун умрини ҳуқуқшунослик фанининг равнакига бағишлаган, мазкур тизимда ўзига хос таълим-тарбия мактабини яратган бу инсонни нафақат ҳуқуқшунослар, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам яхши билишди.

1942 йилда оддий ишчи оиласида туғилган Ҳалимбой Бобоевнинг илк меҳнат фаолияти шўро мафкуриси ҳукмронлиги шароитидаги машаққатли йилларга тўғри келади. Хусусан, ўз меҳнат фаолиятини 1959 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги “Ўзгидроэнергетика” трестиди дурдугорликдан бошлаб, 1965 йилгача ушбу заводнинг ишчиси сифатида давом эттиради. 1965 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, ўқиш давомида ўзининг илмга чанқокчилигини, тиришқокчилигини намойён қилади. Аъло баҳоларга ўқиб, 1970 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлайди.

Ҳ.Бобоев ҳаётининг асосий қисmini ҳуқуқшунослик соҳасига бағишлаб, хато қилмади. Устоз олийгоҳда ҳалол меҳнати, билим ва тажрибаси, энг муҳими, инсонийлиги билан ҳурмат топди. 1970-1971 йилларда Тошкент давлат университетининг Юридик факультети лаборанти, 1971-1973 йилларда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси аспиранти, 1973-1978 йилларда эса, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси бўлиб фаолият юритди. 1978 йилдан Юридик факультетининг ҳорижлик талабалар билан ишлаш бўйича декани бўлиб ишлаб боради. Кейинчалик Малака ошириш курсининг декани, Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси доценти, факультетнинг кундузги бўлим декани муовини, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси доценти, кафедра мудири вазифаларида ишлади. Тошкент давлат юридик институтининг кечки ва сиртки бўлимлар бўйича проректори, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясининг проректори, Тошкент давлат юридик институти ректори, “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” кафедраси профессори, кафедра мудири лавозимларида ишлади.

Устоз 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси профессори лавозимиди ишлаб келмоқда. Ҳалимбой Бобоев Тошкент давлат юридик университети Фахрийлар кенгаши раиси ҳамдир.

Ҳалимбой Бобоев 1975 йилда юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун “Алишер

Зеро, ҳалқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришда, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказишда, уларни маънавий юксалтиришда улуг устоз олимларимизнинг ўрни бекибедир.

Бугунги кунда мамлакатимизда юкори салоҳияти эътироф этилган олимлар кўп. Бунга катта ҳаётий тажрибага эга ҳуқуқшунос олимларнинг Ватан равнаки йўлида қилаётган хизматларида, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги қимматли маслаҳатларида ҳам кўришимиз мумкин.

Ёшлар тарбияси ҳамда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Бутун умрини илм-фан ривожига ва ёшлар тарбиясига бағишлаган устозлар

ҳақида гап кетганда, ҳуқуқшунослар орасида Ҳалимбой Бобоевнинг номи ардоқ билан тилга олинади.

Минглаб шогирдларнинг сеvimли устози, ҳалқ дарида билан яшайдиган, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи каби фанлар соҳасига оид қимматли асарлари, илм-фаннинг ютуқларини тарғиб ва жорий этишдаги ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари учун малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун “Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлган ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори, профессор Ҳалимбой Бобоев кутлуг 80 ёшга қаршилади.

Ҳаёт ва тириклик – инсонга берилган энг бебаҳо неъмат. Шу неъматни қадрлаб, ҳар онидан унумли фойдаланиш, ҳар бир ўтаётган кунни муносиб яшаш, умр мазму-

нини том маънода англаш аслида ҳақиқий инсонга хос хислатдир. Бутун умрини илм олиш ва ёшларга таълим-тарбия бериш билан ўтказган Ҳалимбой Бобоевнинг ҳаёти ва фаолиятини кузатар эканмиз, устозга факат ҳавас билан қараймиз ва мана шундай инсон бўлишга интиламиз. Ҳаёт кийинчиликларида бўйин эгмай, синовларидан муваффақият билан ўтган устоз ҳуқуқшунослик соҳасининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Ҳаммамиз ҳам ўзининг бор билиmini, навқирон ёшлигини илм-фан йўлига сафарбар этган, муътабар 80 ёшда ҳам изланишдан тўхтамаган, ҳамиша ёшлар ва фарзандлар тарбиясига масъулият билан ёндашадиган устозга ўхшашига интиламиз. Ҳалол меҳнати ҳалқ ва ҳукумат томонидан муносиб эътироф этилган, тақдирланган инсоннинг ҳаёти ҳақиқатда ибратли ҳаётдир.

ДУРАДГОРЛИКДАН ФАН АРБОБИЛИГИГАЧА ЙЎЛ

ёхуд профессор Ҳалимбой Бобоев
ҳаётига назар

Навоийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Эътиборли томон шундаки, устоз миллий, маданий қадриятларимиз, тилимиз қадрланмаган собиқ тоталитар тузум ҳукмронлиги даврида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида диссертация ёзган жасоратли олимлардан бирдир.

1993 йилда эса устоз “Ўзбекистонда XIV-XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳам давлат тилида ёзиб, муваффақиятли ҳимоя қилди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлди.

2021 йилдан буён Тошкент давлат юридик университетининг фахрий профессори сифатида шогирдларга ва ёш ҳуқуқшуносларга устозлик қилиб келаётган Ҳалимбой Бобоев Ўзбекистонда ҳуқуқшуносликни, хусусан, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли олимлардан ҳисобланади. Тажрибали устоз 10 га яқин дарслик, 20 га яқин ўқув қўлланмаси, 6 та монография, 10 та рисола ва 100 га яқин илмий мақолаларнинг муаллифи ҳамдир.

Таниқли олим ўзининг кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти, фидойилик фазилатлари билан Тошкент давлат юридик университети жамоасига ва ёш ҳуқуқшуносларга ўрнак бўлиб келмоқда. Устоз камтарин, хушфел ва самимий инсон сифатида ҳамкасблар ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозongan. Устозимиз ўз устиди тинимсиз ишлашга одатланган. Ёшлардек навқирон, доимо илмий изланишлар олиб боради. Ёш ҳуқуқшуносларни ўқитиш, илмий ишларга раҳбарлик қилишда ҳаминша шижоат кўрсатиб келади.

Устоз узок йиллик меҳнат фаолияти давомида устоз-шо-

гирдлик аъёналарини муносиб давом эттирди. Минглаб шогирдлардаги шарт-шароитларни давр талабларига монанд ташкил қилиш, педагоглар сафини юкори малакали, салоҳиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш, илгор тажриба ва услублар, замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига жорий этишга алоҳида эътибор берди. Устоз раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган вақтларда ҳам бирдай камтарин ва олийжаноб инсон бўлиб қолди.

Устоз Ҳалимбой Бобоев бутун ҳаётини илм-фанга бағишлади. Ростўйлик ва адолат йўлидан бориб, ҳаминша адолат мезонларига қатъий амал қилиб келмоқда. Устознинг ёшларга қарата “Инсонга ҳаёт бир марта берилади, унда муносиб яшаш, ўзидан яхши ном, эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлида ёрқин излар қолдириш ҳар бир кишининг чин инсонийлик бурчидир” деб қилган насихатини кўп эшитганмиз. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини чуқур ўрганиб, илмий тадқиқ қилган олим сифатида улуг мутафаккирнинг қуйидаги сўзларини ёшларга еслатишдан эринмайдилар: “Ади бир кўрғондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт бида қуймас, манжаник бида бузилмас. Ва ади ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсан, озроқ бўлур”.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай моддий хазинадан бирор қисми сарфланса, шунча қамаяди. Бирок ҳаз-

нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув даргоҳларидаги шарт-шароитларни давр талабларига монанд ташкил қилиш, педагоглар сафини юкори малакали, салоҳиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш, илгор тажриба ва услублар, замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига жорий этишга алоҳида эътибор берди. Устоз раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган вақтларда ҳам бирдай камтарин ва олийжаноб инсон бўлиб қолди.

Устоз Ҳалимбой Бобоев бутун ҳаётини илм-фанга бағишлади. Ростўйлик ва адолат йўлидан бориб, ҳаминша адолат мезонларига қатъий амал қилиб келмоқда. Устознинг ёшларга қарата “Инсонга ҳаёт бир марта берилади, унда муносиб яшаш, ўзидан яхши ном, эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлида ёрқин излар қолдириш ҳар бир кишининг чин инсонийлик бурчидир” деб қилган насихатини кўп эшитганмиз. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини чуқур ўрганиб, илмий тадқиқ қилган олим сифатида улуг мутафаккирнинг қуйидаги сўзларини ёшларга еслатишдан эринмайдилар: “Ади бир кўрғондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт бида қуймас, манжаник бида бузилмас. Ва ади ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсан, озроқ бўлур”.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай моддий хазинадан бирор қисми сарфланса, шунча қамаяди. Бирок ҳаз-

рат Навоийнинг таъбирича, адолат ўтда қуймайди, сувга чўкмайди, харж қилган билан адо бўлмайди.

Табиатан вазмин кўринган олимда катта ҳаётий тажриба, уммон қадар илм мужассам. Ҳар кундан бир олам муъжиза кутувчи, илм-фанни, ўз касбининг жону дилидан севиб, тинмай изланган, ёшлардан, шогирдлардан меҳрини аямган бу инсоннинг ҳаёти барчамиз учун ибрат мактабидир. Юридик таълим соҳасининг фазини, ҳуқуқий таълимотлар илмининг таянчотлардан бўлган олимнинг ибратли ҳаёт йўлидан ҳар қанча ўрнак олсак арзийди.

Ҳурматли устозимиздан ёш кадрлар ибрат олишса арзийди. Юртимиз тараққиёти, хусусан, илм-фан ривожига йўлида олиб бораётган салмоқли ишлари эса, таҳсинга лойиқ. Ўзининг катта илмий тажрибаси, ҳуқуқшунослик фанларининг тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаси, айниқса, ўзбек миллий давлатчилик тарихини ўрганиш соҳасида олиб борган тадқиқотлари, илмий ва амалий ишланмаларини тарғиб қилиш ва жорий этишдаги ўзига хос филологлиги билан танилган меҳнатқаш, фидойий устозимизнинг ибратли умр йўли ҳаминша ёшларимиз учун ўрнак бўлажак.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори

